

Бақара сураси, 41-оят

10:05 / 22.08.2017 4656

Ва Мен сиздаги нарсани тасдиқловчи қилиб нозил қилган нарсага иймон келтиринг. Унга биринчи куфр келтирувчи бўлманг ва оятларимни озгина баҳога сотманг. Ва Менгагина тақво қилинг.
Бақара 41.

Аллоҳ таоло Бану Исроилга қилаётган хитобида давом этиб, уларни Қуръони Каримга иймон келтиришга чақирмоқда:

«Ва Мен сиздаги нарсани тасдиқловчи қилиб нозил қилган нарсага иймон келтиринг».

Оятда Қуръони Карим яҳудийларда бор нарсани, яъни, Тавротни тасдиқловчи, деб сифатланяпти. Ҳақиқатан, Қуръон илоҳий китоблар силсиласининг охиридир. Аввалги самовий китоблар ҳам, Қуръони Карим ҳам Аллоҳ тарафидан келгандир. Қуръон сўнгги китоб бўлгани учун ўзидан аввалгиларни, жумладан, Тавротни ҳам тасдиқловчи бўлиб келган. Шу билан бирга, инсониятга яхшилик йўлини кўрсатувчи бўлиб келган. Шундай экан, Бану Исроил биринчилардан бўлиб Қуръонга иймон келтириб, Исломига кириши зарур. Уларни Аллоҳ:

«Унга биринчи куфр келтирувчи бўлманг...» – деб Қуръонга куфр келтиришдан қайтармоқда. Қаранг, бир оятнинг ўзида ҳам иймон келтиришга буйруқ, ҳам куфр келтирмасликка амр бор!

Бану Исроил қадимдан мол-дунёга ўч бўлганлигидан Аллоҳ таоло уларнинг табиатларига мос лафз ишлатган:

«...оятларимни озгина баҳога сотманг».

«Озгина баҳо» деганда мол-дунё назарда тутиляпти. Бану Исроилнинг катталари ёлғон фатволар бериб, турли диний хизматлар эвазига мол-дунё тўплашар эди. Бундан бошқа, молу дунё тўплаш илинжида амалга оширадиган ишлари ҳам бор эди. Улар Исломи қабул қилсалар, ўшандай дунёвий манфаатлардан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқдилар. Улар «Мусулмон бўлсак, раҳбарлик, мансабдорликдан ажраб қоламиз», дедилар. Иймон олдида дунёнинг ҳаммаси ҳам бир пулга тенг келмаслигини билмадилар.

«Ва Менгагина тақво қилинг», - дейди Аллоҳ таоло оятнинг охирида. Бунинг маъноси «Мендан шундай қўрқингки, бу қўрқинч сизни амрни бажо келтирадиган, қайтаргандан қайтадиган қилсин», деганидир.

Ўтган азизлардан Толқ ибн Ҳабиб тақвони бундай таърифлаганлар: «Тақво - Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, унинг нури ила Унга тоат қилмоқ ва Аллоҳнинг азобидан қўрқиб, унинг нури ила қайтарган ишларни тарк этмоқдир».